

1906001281 - СОН
МОБИЛ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шун жумладан, бюджет ташкилотлари, яқка тартибдаги табиқкор ва қонун ҳужжатларига қўра, юридик шахсли ташкил эмасдан фаолият юритувчи фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа шитирокчилари) учун
Тошкент ш. 2022 йил "08" Январь

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда матнда -- Компания деб юритилади) номидан 2021 йил "05" январдаги №27-01-14/25 - сонли шшончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг "ЎзМобайл" филиали директори Фахрутдинов С.С., бундай бўён "Оператор" деб номланувчи, бир томондан ва Институт Геологии и Геофизики номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, шшончнома) асосида фаолият юритувчи Институт Геологии и Геофизики, бундай бўён "Абонент" деб номланувчи, иккинчи томондан, биргаликда "Томонлар" деб юритилади, телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда матнда -- Шартнома деб юритилади) куйидагилар ҳақида тузилди:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

– Операторнинг www.uztelecom.uz расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-, 369-моддаларига мувофиқ "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузинга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлик танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан мобил алоқа хизматларини кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

– Оператор томонидан кўрсатиладиган мобил алоқа хизматлари учун Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли маънавий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиш таклифини ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертани 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури мажбуриятдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишда умумэтироф этилган маданиятга амал қилинган ҳолда, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига катъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширишлари.

3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, мобил алоқа хизмати учун ушбу Шартнома асосида Хизматлар кўрсатилишидан олдин тўлови амалга ошириш (Prepaid) тизими шартлари татбиқ этилади ва ойлик ҳисоб 100 (юз) фоз миқдоридан олдиндан тўланади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор Хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларини ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк кун мобайлида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор узанишда Абонент тўлови 100 (юз) фоз миқдоридан олдиндан тўланади. Дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли шловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ККСи ҳисобга олган ҳолда) 1000000 (бир миллион) сўми ташкил этади. Ушбу сумма () сўм миқдоридаги Абонент тўловини ҳамда () миқдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган кўнишча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент кейинги ҳисоб-китоб даври (ҳисобот ойи) бошлангунга қадар олдиндан тўловнинг 100 (юз) фоз шarti билан ҳар ойда Хизматлар учун тўловни амалга оширади. Ушбу тўлов Шартноманинг 8-моддасида кўрсатилган Операторнинг шахсий ҳисоб рақамларига нуқ маблағларини кўрсатилган Хизматлар ҳисобига олган ҳолда, танланган ҳажм ва тарифлар/тариф режаларига мувофиқ ўтказиш қўли билан амалга оширилади.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатади.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган Хизматлардан Абонент томонидан фойдаланишмаслиги, Абонентга ушбу Хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигини асос бўла олмайдди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор Хизматларидан фойдаланишнинг вақтинча тўхтаганини, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исаламанган тўловларини олдини олишни исгаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрй равишда блоқировка қилиш учун ариза топширишни керак. Блоқировка қилиш тартиби Оферта қондалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўришишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор Хизматлари учун тўлашни мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга нуқ шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган Хизматлар. Шартномага мувофиқ Хизмат учун алоҳида расмийлаштирилмаган ҳисоб-фактура билан ёнилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган Хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент 10 (ўн) иш кунини мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу Хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва Хизматлар тегишли тарзда кўрсатишга деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асосланганлиги тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган Хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобиди, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси саъбий бўлганида 1 (бир) календарь ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг қафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга Хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида тозага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки ҳатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф қилган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муроасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳолатларда (ёниб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан олдин мурдат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

7. Яқуний қоидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга таъбир этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг беқор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта қабулини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганини ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда, Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (ўн) календарь кун ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхала расмийлаштирилган (ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади).

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

Оператор:
"ЎзМобайл" филиали "Ўзбектелеком" АК
Манзил: 100915, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёкор йош кучаси, 8-уй
С/НП: 203366731
МФО: 00401
ИФУТ: 61100
Х/р: 29210000101091483890
"Алоқабанд" ҚТБ
Тел.: 9983657, 99836716/
e-mail: eoz@uzmobile.uz

М.У. Фахруллин

Абонент:
Мижоз: Институт Геологии и Геофизики
Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, ОЛИМПИАР кучаси, уй. 49
Банковские реквизиты: 23402000300100001010
МФО: 00044.1.ТАШКЕНТ.РКЦ.ГЛГОР.УПРАВЛЕНИЯ ЦБ
ИДН: 201923475
400108602626970484050002

М.У.



Филиал "УзМобайл" АК "Узбектелеком"

Реквизиты:

р/с 20210000104074838076

МФО 00401

АКБ «АЛОКАБАНК» г. Ташкент

ИНН 203366731

Клиент Институт Геологии и Геофизики
№ 1906001281 от 05.01.2022

Реквизиты:

Институт Геологии и Геофизики

Ўзбекистон, Тошкент, Мирзо Улуғбек, ОЛИМЛАР, д.49

201123473

72110

23402000300100001010

Счет № 0105-1458-4444 от 05.01.2022

Оплата производится в национальной валюте сум

| Предоплата | НДС ставка | НДС Сумма | Стоимость без учета НДС | Стоимость с учетом НДС |
|---|------------|------------|-------------------------|------------------------|
| За услуги мобильной связи № 1906001281 05.01.2022 | 15% | 130.434.78 | 869,565.22 | 1,000,000.00 |
| Итого: | 15% | 130.434.78 | 869,565.22 | 1,000,000.00 |

ИТОГО К ОПЛАТЕ: Один миллион сумов 00 тийин

Руководитель

/Фахрутдинов С.С./

Получил

Гл.бухгалтер

/Хаттаров Х.И./


Дата

Оператор

/Кадырова С.А./

100043, город Ташкент, проспект Бунёдкор, 8





YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIGA O'TKAZISH TO'G'RISIDA

GUVOHNOMA

Kvadr № 10-000240

№ 004060

2010 yil "19" iyul

Mazkur guvohnoma

"O'ZBEKTELEKOM"

yuridik shaxsga berildi.

| | | | |
|---|------------------------------|---------------|-----------|
| Tasakkil muddudiy shakli | Ochiq aksiyadorlik jamiyati | THSHT (ОПФ) | 1150 |
| Maktablik shakli | Aksiyadorlik kompaniyasi | MSHT (ФС) | 144 |
| Yuridik ro'yxatlash o'tgan kundagi pochta manzili | Aksiyadorlar | MHBT (СОАТО) | 1726266 |
| Yuridik shaxs kodi | A.TEMUR SHOX KO'CHASI, 24-UY | KTUT (ОКПО) | 17820078 |
| Asosiy faoliyat turi | Elektr va radio aloqasi | XXTUT (ОКОHX) | 52300 |
| Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami | | STIR (ИИИ) | 203366731 |

Davlat ro'yxatlash organi

AVVAL, ADLIYA VAZIRLIGIDA 2000 YIL 10 AVGUSTDAGI

1317-SONLI REESTR RAQAMI BILAN RO'YHATGA OLINGAN

Vakolatli organ boshlig'i

S.M.Tairshikov





LITSENZIYA
ЛИЦЕНЗИЯ

AA № 0005717

Litsenziya turi / Вид лицензии: Типовая

Berilgan sana / Дата выдачи: 03 ноября 2015 г.

Litsenziyaning amal qilish muddati: 03.11.2015г. dan 03.11.2030г. gacha
Срок действия лицензии: с по

Litsenziatning nomi: Акционерная компания «О'ZBEKTELEKOM»
Наименование Лицензиата:

Litsenziatning manzili va bank rekvizitlari: г.Ташкент, Юнусабадский р-н, проспект Амира Темура, д.97А, р/с 20210000904074838001
в ОПЕРУ АК «Алокабанк» г.Ташкент, МФО 00401, ИНН 203366731

Адрес и банковские реквизиты Лицензиата

USHBU LITSENZIYA BILAN FAOLIYAT KO'RSATISHGA RUXSAT ETILADI:
НАСТОЯЩЕЙ ЛИЦЕНЗИЕЙ РАЗРЕШЕНО ОСУЩЕСТВЛЯТЬ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ:

Проектирование, строительство, эксплуатация и оказание услуг сетей
подвижной радиотелефонной (сотовой) связи

ILOVA QILINGAN LITSENZIYA SHARTNOMASIGA MUVOFIQ
В СООТВЕТСТВИИ С ПРИЛАГАЕМЫМ ЛИЦЕНЗИОННЫМ СОГЛАШЕНИЕМ

Litsenziyaning amal qilish muddati: dan gacha uzaytirildi
Срок действия лицензии продлен: с по

M.O: / M.II: *Rahbarning imzosi:* / *Подпись руководителя:*

Litsenziyaning amal qilish muddati: dan gacha uzaytirildi
Срок действия лицензии продлен: с по

M.O: / M.II: *Rahbarning imzosi:* / *Подпись руководителя:*

(Ilova qilingan litsenziya shartnomasi mazkur litsenziyaning ajralmas qismidir)
(Прилагаемое лицензионное соглашение является неотъемлемой частью настоящей лицензии)

Реестр № 435